O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ТАШАББУС

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ ФАРЗАНДЛАРИГА ХОС ХИСЛАТДИР

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 август жума

Сотувда эркин нархда

№ 150 (2447)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА

28 КУН ҚОЛДИ!

Уммонга қуйилгай азим дарёлар

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ:

ИСТИҚБОЛИ САРБАЛАНД ВОҲА

Одатда инсон маълум манзилга етиб борганида, ортига бир қайрилиб қараши табиий. Бугун биз улуғ байрам — мустақиллигимизнинг 9 йиллиги шодиёналари арафасида турибмиз. Аслида 9 йил кўҳна тарих учун киприк қоққунчалик бир муддат, холос. Лекин биз учун мустақилликнинг нафақат йиллари, балки ҳар бир куни азиз ва ардоқли. Биз ана шу қисқа муддатда юртимизни, азалий қадриятларимизни қайтадан кашф этдик. Келажагимиз тамал тошини қўйдик. Бунёдкорлик ишларимизни зўр иштиёқ билан бошлаб юбордик.

ЭЪЗОЗГА ЙЎҒРИЛГАН ЙИЛЛАР

Озод ва обод юртимизнинг катта имкониятларга эга ҳудудларидан бири, шубҳасиз, Тошкент вилоятидир. Бу воҳа, шунингдек, ранг-баранг ва гўзал табиати — тоғларию боғлари, чексиз адирликларию ўйноқи сойлари, ёғоч суқса кўкаргувчи серҳосил ерларию меҳнаткаш ва бағри кенг одамлари билан донг таратган.

Тарихи минг йиллар синоатидан гувоҳлик бергувчи вилоят аҳли мустақиллик берган улуғ неъмат — юрт эгаси бўлишдек юксак шарафдан мағрур яшаб, меҳнат қилмоқда. Айниқса, истиқлолимизнинг 9 йиллик тантаналари яқинлашиб келаётган фараҳбахш кунларда чирчиқлик кимёгарлар, Бекободу олмалиқлик металлурглар, Оҳангарону ангренлик конchилар билан суҳбатда бўлсангиз, қутлуғ айёмни кўтаринки руҳ ва муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётганликларининг гувоҳи бўласиз.

Ёки давлатга 264 минг тоннадан зиёд сара дон топшириб, шартнома режасини ортиғи билан адо этган ва бу улкан юмушни бор-йўғи 25 кун ичида қойилмақом қилиб бажарган ғаллакорлар билан гурунглашсангиз, уларнинг яратувчанлик меҳнатига тасаннолар айтасиз.

Байрамларга ҳамиша муносиб тухфалар билан боришга одатланган қурувчиларчи? Бошқаларини қўя туринг, юртимиз пойтахтини Фарғона водийси билан туташтирувчи «Камчиқ» довонида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг ўзиёқ истиқлол халқимиз ва юртимиз равнақига нима берганини яққол кўрсатиб турибди.

Қатор-қатор янги корхоналар, турар жой бинолари, касб-ҳунар коллежларию академик лицейларнинг биноларига боқиб, ўйга толасиз баъзан. Буларнинг барчасига маблағ, куч, имконият қаердан олинаяпти? Ва ўз истиқлолига эришган юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, одилона ички ва ташқи сиёсат нақадар катта самара бера бошлаганига имон келтирасиз.

Саноат корхоналари — вилоят ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, ушбу жабҳада жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, 90,6 миллиард сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоиз ўсишга эришилди. Саноатда ўсиш суръати 112,7, қишлоқ хўжалигида 107,6, савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда 109,2 ва 110,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 39 миллиард сўмликдан ошди.



Эришилаётган муваффақиятларда вилоятдаги Тошкент ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари, Чирчиқ электрокимё ишлаб чиқариш бирлашмаси, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати, Ангрен «Резинотехника» бирлашмаси, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, ёғ-мой акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарнинг муносиб ҳиссалари бор. Ана шу илғор жамоалар орасида «Бекободцемент» акциядорлик жамияти ўзига хос салмоққа эга.

Қизилқум бағрида жойлашган Томди тумани маркази мустақиллик йилларида кескин ўзгарди. Бу ерда қишлоқ врачлик пункти, мактаб ва бошқа кўплаб иншоотлар қурилиб, ишга туширилди.

Санитария маркази ишга тушди

Куни кеча бу ерда яна бир янги бино — туман санитария-эпидемиология назорат маркази фойдаланишга топширилди. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган назорат марказини барпо этиш учун ўтган икки йилда қарийб 60 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Марказда бактериология, паразитология, санитария-гигиена таҳлилхоналари, эпидемиология, дизенфекция, санитария-гигиена бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, туман аҳолисига санитария хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 10 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди. Бу эса вилоят марказидан 300-400 чақирим масофада жойлашган қорақўлчилик хўжаликларида юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда тезкор тиббий-санитария тадбирларини ўтказиш учун қулай имконият яратди.

(ЎзА)

Ишбилармон аёллар кўриги

Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида «XXI аср аёллари» танловини ўтказишга қарор қилинди. Бу тадбир Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизларининг «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, Олий Мажлиснинг Оила ва хотин-қизлар муаммолари қўмитаси, Давлат Телерадио компанияси ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида ўтказилади. Танлов доирасида тадбиркор аёллар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилади.

Дастур пахтакорга ёрдамга келди

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этишда «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўз ўрни бор, албатта. Илмий муассаса олимлари томонидан пахта ва пахта маҳсулотлари ҳажми ҳамда қийматини аниқлашга доир комплекс дастурнинг тайёрланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Соҳанинг долзарб масалаларини замонавий машиналарда ҳисоб-китоб қилишнинг ўзига хос йўриқномаси яратилди. Бу ишланма Қорақалпоғистон Республикаси бўйича татбиқ қилинди.

Шу дастур асосида пахта ва пахта маҳсулотлари ҳажмини белгилаш жараёни жадаллаштирилди. Дастурни амалга ошириш катта иқтисодий самарадорликка эришилишини таъминлайди.

Соатига уч минг дона

Қоровулбозор туманида соатига уч минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга тушди.

Ҳозир бу ерда 22 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, яқин кунларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ишчилар сони 55 тага етказилади. Корхонадаги линияларни сотиб олишга 10 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Лекин мутахассисларнинг фикрича, бу харажатлар бир йилга қолмай қопланади.

Берунийда даволаш маскани

Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллиги арафасида Беруний шаҳрида Қорақалпоғистондаги биринчи хусусий тиш даволаш маркази иш бошлади. Янги масканда дастлабки куниёқ юздан ортиқ беморлар даволанди, баъзи мижозларга тиш протезлари қўйилди.

Янги тиббий марказда олий тоифадаги стоматолог врачлар, тиш техниклари, ҳамшираллар хизмат кўрсатмоқда. Барча муолажа хоналари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, бу эса аниқ ташхис қўйиб, беморларни тез даволаш имконини бермоқда.

Маҳсулотлар тури биттага кўпайди

Навоий шаҳридаги энг йирик кимё корхонаси — "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна биттага ортди. Бу ерда нитрон, формалин маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебел, газ саноати сингари халқ хўжалигининг ўнлаб соҳаларида қўлланиладиган метанол суюқлиги ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди.

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Қашқадарёулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамиятида универсал савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.

Универсал савдо ярмаркаси

Ярмаркада уюшмага қарашли ташкилот ва фирмалар, вилоятдаги йирик саноат корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди. Савдога турли қурилиш материаллари, электр жиҳозлари, минитехнологиялар, машинасозлик, кимё, енгил ва маҳаллий саноат моллари – умумий қиймати 2 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулотлар қўйилди.

"Ўзмаштаъминот" ҳиссадорлик жамияти харидорларга тавсия этган сув насослари, газпайвандлаш ускуналари, қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар фермерларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, "Ўзкимёполимерсавдо", "Бухороулгуржибиржасавдо" ҳиссадорлик жамиятлари, Қаршидаги "Термопласт" заводининг маҳсулотлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шу ернинг ўзида шартномалар имзоланди. Ишлаб чиқарувчилар билан харидорларнинг бундай мулоқотлари фойдали экани амалда исботланди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

Ғўза парваришига эътибор

Бу йил ёғингарчилик кам бўлгани Навоий вилоятида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, Навоий, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи туманларида анчагина майдоннинг ғўзаси ривожланишдан орқада қолди. Суғориш, культивация, озиқлантириш ишларида ҳам муаммолар пайдо бўлди.

Навоий вилояти ҳокимлигида қишлоқ ва сув хўжалиги ходимларининг ғўза парваришини кучайтиришга бағишланган кенгашида ана шу ҳақда гап борди. Уни вилоят ҳокими Ғ.Дилов бошқарди.

Йиғилишда вилоят пахтакорлари жорий йилда об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, камида 115 минг тонна ҳосил етиштиришга бел боғлаганлиги таъкидланди. Шу мақсадда барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ғўза парваришида зарбдор 40 кунлик эълон қилишга қарор қилинди. Мавжуд 41 минг гектар майдондаги ғўзани аммиак суви билан суғориш, культиваторларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш тадбирлари белгиланди. Бу ишларни назорат қилиш учун жойларда хўжалик раҳбарлари, тажрибали пахтакорлар ва мутахассислардан иборат назорат гуруҳлари ташкил этилади.

(ЎзА)

Муносабат

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛМАСА

— ҳар бир ишда, айниқса, тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кутилган натижаларга эришилади, – дейди музработлик фермер Салом ҒАНИЕВ

Халқимизда «куйдипишди» деган ибора бор. Одатда бу ибора тинибтинчимас, ташаббускор ва тадбиркор одамларга нисбатан ишлатилади. Мўзработ тумани (Сурхондарё вилояти)лик Салом Ғаниев – шундай тоифадаги кишилардан бири. Нима учун? Шунинг учунки, аввало, у деҳқон хўжалиги нималарга қодирлигини амалда исботлади. Агар мана бу мисолларни келтирсак, ҳақиқатан ҳам, Салом Ғаниевнинг томорқаси бугунги кунда фақат оиласинигина боқиб қолмасдан, балки давлатнинг юкини ҳам енгил қилаётганига ишонасиз. Унинг 50 сотих томорқасида 80 туп анор, 30 туп хурмо, 80 туп хубони олма, 50 туп эртапишар гилос, 20 тупдан зиёд ўрик дарахти бўлиб, бариси ҳосилга кирган. Ҳар йили тонналаб меваларни бозорга чиқариб сотади. Ишкомга кўтарилган токлардан ҳам оила эҳтиёжига яраша ҳосил олинмоқда. Бундан ташқари, қарийб 3 сотих иссиқхонада 30-40 туп лимон дарахти парвариш қилинаётир. Бу ердан эса йилига бир тоннадан зиёд цитрус меваси саранжомланаяпти. Энди даромадни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Салом аканинг яна 2 гектар экин майдони бор. Аслида илгари бу жой ташландиқ бир ер эди. У фарзандларини ёнига олиб, шу майдонни ўзлаштиргач, бинойидек пайкал ҳосил бўлди. Ота-болалар ҳар йили унга буғдой экиб, 55-60 центнердан сара дон етиштирмоқдалар. Аҳгизга эса такрорий экин сифатида маккажўхори ва бошқа экинлар ҳам экилмоқда. Бу қанча даромад келтиради, деб ўйлайсиз?

Салом Ғаниевни «куйдипишди» дейишимизнинг бошқа сабаби шуки, у бундан олти йил аввал Абдулла Қодирий номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида «Абдусалом» фермер хўжалигини ташкил этган. Ҳозир бу хўжалик нафақат туманда, балки вилоятда ҳам машҳур. Негаки, фермерлар ҳар йили гектар ҳисобига 35-38 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олмоқдалар. Даромад ҳам шунга яраша бўлаётир.

Ва ниҳоят, Салом фермерда техника воситалари – «Олтой» ҳам, чопиқ трактори ҳам, тележкалар ҳам қўша-қўша. Ана шу техникалар ишбилармонларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга, уларга бир миллион сўм атрофида даромад келтираяпти.

Ҳайрон бўлаяпсизми? Машина-механизмларни қўшни бригадалар, фермерлар, ҳатто пахтани қайта ишлаш заводи ижарага олиб туради-да!

– Бу ютуқларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир, – дейди Салом Ғаниев. – Ўзингиз ўйлаб кўринг: агар истиқлолга эришмаганимизда, Президентимиз, ҳукуматимиз, қолаверса, вилоят ва туман ҳокимликлари бизни қўллаб-қувватламаган тақдирда бунга эриша олармидик? Асло! Шу боис мустақиллик пойдеворининг янада мустаҳкам бўлиши йўлида баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, шу боис ҳар йили Мустақиллик кунини энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонлаяпмиз.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ва халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқларини севиниб-севиниб, куйиниб-куйиниб ўқидим, — дейди Салом ака. — Севиниб-севиниб ўқиганимнинг сабаби шуки, Юртбошимиз қишлоқда «аҳолини иш билан таъминлаш масаласи – биз учун энг долзарб, кўп-кўп муаммоларни ечадиган, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласидир», дея такрор ва такрор таъкидладилар. Бу масала ечимининг асосий омили эса кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришдан иборат. Куйиниб-куйиниб ўқиганимга келсак, ҳали ҳам айрим вилоятларда, хусусан, Қашқадарёда оқаради, нони бутун бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти, асосий мақсади шундан иборатдир. Афсуски, фермер хўжаликларига, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари ҳанузгача давом этмоқда. Айниқса, бундай хўжаликларни рўйхатга олиш, уларга ер ажратиш, кредит бериш борасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар юз бераётганига нима дейсиз?

– Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди! – деди Салом Ғаниев.

Салом ака ҳақ сўзни гапирди. Ислоҳотлар номига, хўжакўрсинга эмас, ҳисобот учун эмас, ҳақиқатда деҳқоннинг ҳаёти фаровон бўлишига хизмат қилсагина биз амалда ўз олдимизга қўйган мақсадга эришамиз. Мақсадимиз эса аён: кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаган ҳолда халқимизнинг турмуш шароитини яхши томонга ўзгартиришдир.

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

1991–2000 9

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ:

ИСТИҚБОЛИ САРБАЛАНД ВОҲА

ЯНА МАШЪАЛГА АЙЛАНДИ





«Бекободцемент» акциядорлик жамияти бундан 3-4 йил муқаддам оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганди. Бунинг талай сабаблари бор, албатта. Лекин энг асосийси — собиқ тузум давридаги алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқариш технологияларининг анчайин эскириб қолганлиги эди. Қолаверса, корхонанинг ўша кездаги раҳбарлари бозор иқтисодиёти талаблари даражасида иш юрита олмадилар.

Бугунги манзара эса бутунлай бошқача. Икки йилдирки, корхона юқори унум билан ишлаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган бир ярим минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи белни маҳкам боғлаб, бирдай меҳнат қилишяпти. Сабаби аён: уларнинг барчаси корхона эгалари — акциядорлар. 1999 йил якунларига кўра, номинал қиймати 640 сўм бўлган 24 минг дона акциянинг ҳар бири учун 640 сўмдан дивиденд берилди.

Агар корхонада 1999 йили 440 минг тонна юқори сифатли цемент, 6354 тонна оҳак, режадагидан анча зиёд шифер тайёрланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида салкам 300 минг тоннага яқин цемент ва 3 минг тоннадан зиёд оҳак ишлаб чиқарилди.

Иш бир маромда узлуксиз давом этаётгани боис даромад ҳам мунтазам ортиб бораётир. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши эса 20-25 минг сўмни ташкил этаётир. Олинган фойда ҳисобига цехлар бинолари, ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари таъмирдан чиқарилди. 300 кишига мўлжалланган янги ошхона, маиший хизмат мажмуи қуриб битказилди. Бу ишлар учун 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Бир неча йиллик қолоқликдан сўнг яна илғорлар сафига чиқиб олдик, — дейди корхона раҳбари Умар Дадабоев. — Аммо бу биз учун чегара эмас. Ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш эвазига маҳсулот сифатини янада яхшилаш, мавжуд қувватларни оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда Швециянинг «Сведала» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладик. Тахминан 85 миллион АҚШ долларилик яна бир лойиҳани амалга ошириш ниятида япониялик тадбиркорлар билан музокаралар олиб бораяпмиз.

Истиқбол йўлини тўғри белгилаб олган корхонада ишлаб чиқаришдан бошқа юмушларга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Завод ёнидаги 3 гектар ташландиқ ер тозаланиб, ишчилар боғи ташкил этилганди. Бу ниҳолларнинг олди ҳосилга кирди. Сирдарё бўйида миллий ҳунармандчилик анъаналарини ўзида акс эттирган ажойиб «Оталар чойхонаси» қурилиб, ишга туширилди. 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида шаҳар болалар боғида 1000 нафар болакайга байрам дастурхони тузалди.

Яна бир ажойиб иш: корхона ўз оталиғидаги 10 та мактабни таъмирлаш учун 5 миллион сўм пул ажратди.

Бир сўз билан айтганда, «Бекободцемент» бугунги кунда турдош корхоналар орасида машъаллар сафидан ўрин олиб, истиқлол тараққиётига хизмат қилаётир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- *Тошкент вилояти мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда салмоқли ўрин тутади. 2000 йилнинг биринчи олти ойлигида вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми мамлакатимизда тайёрланган ялпи маҳсулотнинг қарийб ўн фоизини ташкил этди.*
- *Айни пайтда вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган 82 та қўшма корхона, шу жумладан, 1200 кичик ва ўрта корхоналар фаолият юритмоқда.*
- *Жорий йилнинг олти ойи мобайнида саноатни ривожлантириш мақсадида 16,8 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу йўналиш учун 3,1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди.*
- *Туман марказлари ҳамда шаҳарларда 5630 нафар тадбиркор кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланмоқда. 21226 нафар ишбилармон эса якка тартибда фаолият юритаяпти. Уларни қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2703,1 миллион сўмлик 1231 та имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари тадбиркорларга эквиваленти 5-10 минг АҚШ долларидан юқори 503 та микрокредит берилди.*

Олий Мажлиснинг III сессияси олдидан

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги, учинчи сессияси энг улуғ ва мўътабар айём — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтади. Бу ҳол Парламентнинг бўлажак сессияси фаолиятига кўтаринки кайфият ва ўзига хос ишчанлик руҳини бағишлаши табиий.

Айни чоғда, Олий Мажлиснинг учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун тузилган депутатлар ишчи гуруҳи кенг кўламда ўз ишини бошлаб юборди. Қўмиталар ва комиссияларда Парламентнинг иккинчи ва учинчи сессиялари оралиғидаги даврда қонун ижодкорлиги ҳамда қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолияти ва бошқа йўналишларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган дастуруламал маърузаларидан келиб чиққан ҳолда Парламентнинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисидаги иш режасида, жумладан, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ҳам жорий йилнинг иккинчи ярмида бир қанча муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу ўринда қўмита Юртбошимизнинг **«Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш»** ғояларини рўёбга чиқариш йўлида давлат органлари ваколатларини босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг негизи ҳисобланган нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб беришнинг ҳуқуқий асосларини яратишни ўз фаолиятининг бош мақсади сифатида эътироф этганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Ана шу уставор мақсадни амалга ошириш учун қўмитамиз фаолиятининг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди.

Қўмита фаолиятининг асосий устувор йўналиши — қонун ижодкорлигидир. Бу йўналишда сессиялар оралиғида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, мазкур Қонун лойиҳаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда қўмитамиз қошидаги экспертлар гуруҳининг йиғилишларида, депутатлар ва мутахассислар иштирокида бир неча марта муҳокамадан ўтказилди. Қўмита аъзоларининг яқинда бўлиб ўтадиган мажлисида янги сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган ушбу Қонун лойиҳаси матнини яна бир карра кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Қўмитамиз томонидан Олий Мажлиснинг бошқа қўмиталарида тайёрланган ҳамда бўлажак сессия муҳокамасига киритилаётган «Бюджет тизими тўғрисида», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида» каби бир қанча Қонун лойиҳалари бўйича ҳам тегишли таклифлар тайёрлаб берилди.

Мавриди келганда, Олий Мажлис сессиялари оралиғидаги муайян вақт ичида **қўмита ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт-лар гуруҳлари тузилгани** хусусида алоҳида тўхталиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низомнинг 16-моддасига мувофиқ тузилган ушбу экспертлар гуруҳлари учта йўналишда: **биринчидан**, демократик институтлар тўғрисидаги қонунчилик бўйича, **иккинчидан**, нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик бўйича ва **учинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик бўйича, қўмитанинг ваколат муддати даврида фаолият кўрсатади.

Экспертлар гуруҳларининг асосий вазифалари қўмитамизнинг қонунчилик фаолиятига яқиндан кўмаклашиш, хусусан, янги Қонун лойиҳалари, қонунларнинг янги таҳрири ҳамда амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан илғор хорижий тажриба ва халқаро андозаларга асосланган таклифларини тавсия этишдан иборат. Мазкур гуруҳлар аъзолари қўмита фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам эксперт хулосаларини тайёрлаб беради. Ҳар учала экспертлар гуруҳларининг аъзолари давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотларида катта тажриба орттирган етук мутахассислар, таниқли ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, демократик институтлар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юқори малакага эга вакилларидан иборат.

Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидан кейин ўтказилган қўмитамиз мажлисида ана шу экспертлар гуруҳлари аъзоларининг рўйхати ва миқдор таркиби ҳамда экспертлар гуруҳлари тўғрисидаги Низом тасдиқлаб олинди. Бугунги кунда экспертлар гуруҳлари юқорида тилга олинган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида тегишли таклифларини бериш билан ўз фаолиятини бошлаб юборди. Сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган мазкур Қонун лойиҳасининг аҳамияти шундаки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат, аввало, фуқароларимизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим масалалар муҳокамасида қатнашишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Парламенти томонидан мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларидаги устувор йўналишларни қамраб олган ҳамда инсон эрки ва ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган Қонунлар лойиҳаларини зарур ҳолларда умумхалқ муҳокамасига қўйиш йўли билан жамиятимизда демократия тамойилларини янада чуқурлаштириш имконини беради.

Қўмита фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири – назорат-таҳлил йўналишидир. Қўмитамиз томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи жорий йилнинг июн ойида Бухоро ва Наманган вилоятларида бўлиб, ушбу ҳудудларда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишини яқиндан ўрганди. Ушбу Қонун ижроси бўйича асосан, Бухоро вилояти ҳамда Наманган вилояти ҳокимликларининг адлия бошқармалари, шунингдек, ҳар икки вилоятнинг суд, прокуратура, солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бухоро ва Наманган вилоятларида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларидан айримларининг фаолияти билан жойларда танишиб чиқилди.

Бундан ташқари, сессиялар оралиғида қўмита ташаббуси ва ташкилотчилигида турли давра суҳбатлари, семинар-кенгашлари ва бошқа хил анжуманлар ўтказилди. Хусусан, ўтган вақт ичида «Нодавлат ташкилотлар бўйича қонунчилик: хорижий мамлакатлар тажрибаси», шунингдек, «Қонунларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати: амалга ошириш механизмлари ва такомиллаштириш йўллари» каби мавзуларда амалий анжуманлар ташкил этилди. Қўмитамиз билан Бухоро ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ташкилотчилигида июн ойида ҳар икки вилоят марказларида бўлиб ўтган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш истиқболлари» мавзуидаги семинар-кенгашларда тегишли маҳаллий давлат идоралари масъул ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар. Қўмита томонидан ҳар иккала вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонундан нечоғлик хабардор эканлигини таҳлил қилиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Июн ойида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида уюштирилган давра суҳбатида маҳалланинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни муҳокама қилинди. Термиз ва Қарши шаҳарларида ўтказилган семинар-кенгашларда эса қўмита раиси А. Саидов иштирок этиб, «Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш» мавзуида маъруза қилди.

Қўмитанинг 2000 йилги иш режаси бўйича, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бажарилишини ўрганиш учун яқин кунларда махсус ишчи гуруҳи ушбу ҳудудларда фаолият бошлайди.

Маълумки, иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2000 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, сиёсий жабҳада, давлат ва жамият қурилиши соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган эди. Яқинда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг жорий йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов бу борада қонун чиқарувчилар олдида турган вазифаларга яна бир карра эътиборимизни қаратдилар. Қўмитамиз аъзолари сайловчилар билан сессияолди учрашувларида Юртбошимиз маърузаларида баён этилган ана шу туб ислоҳотчилик қоидаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини фуқароларимизга атрофлича тушунтириб беряптилар.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига кирган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Парламентимизнинг бўлажак сессияси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъномазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ғулом МИРЗО,
Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси котиби.

ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланиб ўтказилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Адлия вазири А.Полвонзода шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда ўтган вақт мобайнида вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашни янада пухтароқ таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари ва идоравий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш асосида тадбиркорликни эркинлаштириш учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Адлия вазирлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг амалдаги барча 1130 дан зиёд меъёрий ҳужжати инвентаризация қилинди. Шулардан 436 таси қайта кўриб чиқиш учун тегишли идораларга жўнатилиб, амалдаги, жумладан, тадбиркорликка оид қонунларга мослаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ вазирлик тизимида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси, вилоят адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар тузилиб, малакали мутахассислар билан таъминланди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай асоссиз аралашув, ноқонуний текширишларга барҳам бериш, тадбиркорларни қонунга зид ҳолда жиноий жавобгарликка тортилишидан ҳимоя қилиш — адлия идораларининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Тадбиркорларга ноқонуний текширишлар натижасида етказилган моддий зарар айб дор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда барча имконият ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш, адлия идоралари хўжалик юритувчи субъектларга шартномавий муносабатлар, айниқса ички хўжалик шартномалари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари ҳам шу кун талаби даражасида эмаслиги қайд этилди.

(ЎзА).

Журналист суриштируви

ЗИДДИЯТ

Кўпинча шунақа бўлади: катта жанжаллар майда гаплардан бошланади. Жузъий камчиликлар йирик хатоларга доялик қилади. Вақтида олди олинмаса, кейинчалик қалаванинг учи чигаллашади, можарони ҳал этиш қийинлашади. Асорати узоқ йилларга татийди, баъзан бутун умр кўнгилга ғашлик солади. Энг ачинарлиси, уни тузатиш учун қанчадан-қанча меҳнат, маблағ ва ортга қайтариб бўлмас қимматли дамлар самарзое кетади.

Яна билмадим, эҳтимол, мен янглишаётгандирман. Эҳтимол, бироз кескинроқ хулоса чиқараётгандирман. Лекин илож қанча? Ойни этак билан ёпгандан, эл оғзига элак тутгандан на фойда?

Таҳририятимизга тушган бир шикоят хати билан шуғулланарканман, мана шундай изтиробли ўйлар ҳаёлимни сира-сира тарк этмади...

Жиззахдаги ўқув-курс комбинати авжи шўролар замонида —1978 йили ташкил топганди. Инчунун, мулиявий жиҳатдан республика миқёсидаги нуфузли идорага бўйсунарди. У ажратган сармоя ҳисобига «кун кўрарди». Юқоридан қатъий белгилаб қўйилган режага биноан иш юритарди. Ёшларга асосан тикувчилик, бичиқчилик ва каштачилик сир-асрорларини ўргатарди.

Мустақилликка саноқли ҳафталар қолганда, у аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари вилоят уюшмаси тасарруфига ўтказилади. Тўлиқ равишда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўлини тутади. Натижаси чакки бўлмайди. Қисқа фурсатда фаолият доираси кенгаяди. Ўқувчилари бир ярим бараварга кўпаяди. Бундан комбинат директори Анвар Содиқовнинг руҳи кўтарилди. Кўнглида эзгу истаклар жўш уради. Таҳсил кўрувчилар сонини ярим мингга етказиш, бешдан бирини жамоа маблағи ҳисобига ўз соҳаси учун текин ўқитиш режасини тузади. Радиотелеускуналар, мураккаб уй-рўзғор техникалари бўйича усталар, соатсозлар, этикдўзлар ва сартарошлар тайёрлашни ҳам дилига тугади. Замона зайлига боқиб, ўқитувчи-мураббийлар ва мутахассислар ила маслаҳатни бир жойга қўяди. Комбинатни хусусийлаштиришга ёки жамоа мулкига айлантиришга азму қарор қилади. Шу илинжда не-не маҳкамалар эшигини қоқади. Афсус, ҳа деганда, гапини бафуржа тинглайдиган, ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган одам тополмайди. Боз устига, ҳаял ўтмай, жамики орзу-ниятларини чилпарчин этгувчи жиддий тўсиққа рўбарў келади. Борди-ю, гапимга ишонмасангиз, марҳамат, эшитинг:

Тўқсон тўртинчи йилнинг 31 мартида вилоят маиший хизмат уюшмаси кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси чақирилади. Унда мазкур соҳа муассасаларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш масаласи ҳам кўрилади. Шу мақсадда ишлаб чиқилган дастурда уюшмага қарашли Жиззах шаҳри ва тумани бирлашмалари, 11-автокорхона, ёрдамчи хўжалик ҳамда ўқув-курс комбинати фаолиятини тугатиб, ягона юридик ваколатга эга «Вилоятмаишийхизматуюшмаси» хўжалик бирлигини ташкил этиш кўзда тутилганди. Муҳокамалар чоғи бу ғояга танҳо Анвар Содиқов кескин қарши чиқади. Ишхонаси аҳлини олдиндан хабардор қилмай, уларнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай, бундай қарор қабул қилиш қонунга зидлигини эслатади. Ижозат берилса, комбинатни давлат тасарруфидан чиқариш мақсадга мувофиқлигини айтади. Таажжубки, унинг талаби инобатга ўтмайди. Кенгаш бешала жамоани ҳам биратўла уюшмага бирлаштириш жоиз деган тўхтамга келади. Жамланган ҳужжатларни юқори маҳкамага тақдим этади. Дастур 18 апрел куни вилоят ҳокимининг 114-К сонли қарори билан тасдиқланади.

Ҳангоманинг каттаси шундан сўнг бошланади. Сабаби — ўша кезлар уюшма бошқарувининг маъмурий биноси Миллий банкнинг вилоят бўлимига олиб берилганди. Ҳоким қарорининг 3-бандида ушбу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилганди. Э. Ашуров мавзесидаги кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш фабрикаси иншоотларини уюшма ихтиёрига ўтказиш лозимлиги кўрсатилганди. Бу юмуш шаҳар ҳокимлиги гарданига юклатилганди. Бироқ уюшма раҳбарлари фабрика иморатлари таъмирталаблигини яхши билардилар. Ана шу боис ўзларига ўнғай ва камчиқим йўлни танлашади. Ҳе йўқ-бе йўқ, дабдурустдан маъмуриятни комбинатга жойлаштириш тараддудини кўришади.

Қарабсизки, кул остида қолаёзган чўғ қайтадан алангаланади. Анчадан бери урчиб бораётган даҳанаки жанглар, чор тарафга югур-югуру «ёз-ёз»лар баттар авж олади. Уюшма раиси Ҳамроқул Нишонов бунга парво қилмайди. Билъакс, палапартиш иш тутиш билан оловга мой пуркайди. Гарчи А. Содиқов лавозими қисқараётгани ҳақида икки ой олдин тилхат орқали огоҳлантирилмаган эса-да, комбинат юридик шахс сифатида тугатилиб, уюшмага бирлаштирилгани муносабати билан 1 июн куни уни эгаллаб турган вазифасидан озод қилади. Яна денг, унга, аввало, шу жамоанинг ўзидан иш таклиф қилмай, ҳеч курса, розилигини олмай, уюшма раисининг кадрлар тайёрлаш бўйича муовини этиб тасдиқлайди. Собиқ директор бу лавозимда ишлашни хоҳламайди. Айни чоғда, аҳдидан ҳам қайтмайди. Раис тағин-да бўш келмайди. Ҳафта ўтар-ўтмас, комбинат ишларини махсус комиссияга белгиланган муддатда топширмаганини ва топширишдан бўйин товлаганини рўкач қилиб, А. Содиқовга орқаворотдан қаттиқ ҳайфсан беради. 25 августда эса, гўёки вилоят ҳокими ва кенгашнинг қарорларини бажармагани, янги мансабдан бош тортгани, меҳнат интизомини бузгани туфайли ишдан бўшатиб юборади.

Алқисса, энди А.Содиқовнинг олдида қўш жумбоқ кўндаланг бўлади. У бир томондан комбинат ноқонуний тугатилганини, иккинчи томондан ўзи ишдан асоссиз четлаштирилганини исботлашга чоғланади. Мақсади йўлида ҳуқуқ-тартибот идораларининг мададига умид боғлайди.

Фурсат ғаниматида битта узримни очиқ айтиб қўя қолай: мен можароларнинг давоми қай йўсинда кечганини ипидан игнасигача нақл этиб, вақтингизни ўғирламоқчимасман. Ёхуд ортда қолган давр мобайнида ушбу масала билан бот-бот шуғулланган қонуншуносларнинг ишига бемаврид аралашиб, ўз билгимча ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасман. Фақат минг таассуф-ла тайин бир ҳақиқатни эслатмоқчиман. Агар адолат посбонлари жанжалга иссиғида холис ёндошиб, низога қатъий чек қўйганларида, қонун устуворлигини таъминлай олганларида ортиқча гапларга асло ҳожат қолмасди. Баъзан ноаниқ-мавҳум, баъзан бир-бирига тескари қарору ажримлар чиқармаганларида, томонлараро зиддият ҳозирги даражада чуқурлашиб ва мураккаблашиб кетмасди. Келинг, яхшиси, сўзимнинг исботи учун айрим далилларга эътиборингизни тортай.

Дастлабки мисол: комбинат уюшмага бирлаштирилгач, жамоа аъзолари қатор мушкулотларга дуч келадилар. Чунончи, танаффусларда дам олиш хонасидан, чорак ва йил якуни бўйича бериладиган мукофотлардан маҳрум бўладилар. Ойлик маошларини ҳам муддатида ололмай қоладилар. Охир-оқибат 95-йил кўкламида ҳасратларини қоғозга тушириб, касаба уюшмалари вилоят кенгашига йўллайдилар. Юзма-юз мулоқотларда ўзларини қийнаётган муаммолар А. Содиқов раҳбарлиги даврида ижобий ҳам комбинат қонунга зид тугатилганини, ишчи-хизматчилар ҳуқуқи қўпол равишда бузилганини аниқлайди ва июн ойида А. Содиқов талабини қаноатлантирувчи қарор чиқаради. Қолгани оддий арифметика: орадан, оз эмас-кўп эмас, роппа-роса 5 йил ўтган. Қарор бекор қилинмаган. Ҳозир ҳам қонуний кучда. Аммо, хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, ҳали-ҳануз бажарилмаган. Негаки, ижроси билан биров қизиқмаган. Масаланинг бу жиҳати, ўзгаларни-ку қўя турайлик, хўжалик судидагиларнинг ҳам ёдларидан кўтарилиб кетган. Шунданми, менга аввал «Дело архивда!» дейишди. Сўнгра «У ерда йўққа ўхшайди» қабилидаги хабарни келтиришди. Ана, сизга лоқайдлик! Ана, сизга масъулиятсизлик!

Иккинчи мисол: А. Содиқовнинг ишдан ноҳақ бўшатилгани хусусидаги даъво-аризаси илк дафъа 1995 йилнинг 22 февралида Жиззах шаҳар судида кўрилади. Бироқ суд ҳайъати ниҳоятда шошма-шошарлик қилади. Ихтилофнинг асл сабабларини пухта ўрганмайди. «Собиқ директор бизга

1991–2000

9

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ:

ИСТИҚБОЛИ САРБАЛАНД ВОҲА

«ЎЗБЕКИСТОН» ДЕЯ АТАЛУР

Ўтган йили тошкентлик пахтакорлар катта муваффақиятга эришдилар. 30 кунда 280 минг тонналик хирмон тикланди.

«Меҳнат зафарингизнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, сизлар терим стратегиясини пухта ишлаб чиқдингиз, синалган усул — техникага таяниб сира янглишмадингиз, — дейилади Юртбошимизнинг вилоят меҳнаткашларига йўллаган табригида. — Вилоятда замонавий пахта териш машиналарида ўтган йилга нисбатан икки ҳисса кўп ҳосил йиғиб олинди. Натижада режа жуда қисқа фурсатда уддаланди».

Оққўрғон туманида мустақил юртимиз номи билан аталувчи жамоа хўжалиги бор. Кўрса ҳавас қиладиган ушбу хўжаликнинг ўрнак олса арзигулик раиси бор. У кишининг мазкур хўжаликка раҳбар бўлганига ҳам 9 йил бўлди.

Эндиги ҳикоямиз ана шу ажойиб инсон ва у бошқараётган хўжалик ҳақида.

... Вилоят раҳбари йиғилишни якунларкан, дангал деди:

– Хуллас, гап тамом: айтилган техникани туман машина-трактор паркига топширасизлар. Кимки бунга қарши бўлса, ҳозироқ аризасини ёзсин. Борми шундайлар?

Ҳеч кимдан садо чиқмаганини кўриб, Эргаш ака:

– Бор! – деб ўрнидан турди.

Бирданига ҳамманинг нигоҳи «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Ниёзовга қадалди.

– Э-э... Сизми, оқсоқол? Хўш, нима демоқчисиз?

– Мен бир дона ҳам техникани МТПга топширмайман, – деди у донадона қилиб. – Агар шунинг учун ариза ёзишим керак бўлса, майли, ёзганим бўлсин...

Вилоят раҳбари уни бошқа гапиришга қўймади:

– Бўпти-бўпти. Йиғилишдан кейин сизнинг масалангизни алоҳида кўриб чиқамиз. Ҳозирча ўтира туринг...

Одамлар тарқалгач, ҳоким сал гина билан деди:

– Дилингиздаги гапни йиғилишдан сўнг айтсангиз бўлмасмиди?

– Бўларди, – деди Эргаш ака. – Лекин қачонгача бир-биримизни алдаймиз? Ёки биз шунчаки амал учун ишлаяпмизми?

– Шу... билганингиздан қолмайдиган одамсиз-да, Эргаш ака! Майли, истисно тарзида сизга рухсат... Ҳақиқатан, ҳаммани бир исботлай олганидан хурсанд эди. Ахир бор техникани МТПга топшириб юборса, кейин дала ишлари нима бўлади? Техникадан ажраб қолиш, миниб юрган уловингни бировга совға қилиб юбориш эмасми? Уларни эплай олмасак бошқа гап эди.

Уч-тўрт йил аввал хўжаликларга қарашли чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш борасида ҳам шундай бўлган. Эргаш ака яна «қайсарлик» қилди.

– Майли, олдин мени ишдан бўшатинглар. Кейин хоҳлаганингизни қилинг!

Амалиёт иккала ҳолда ҳам Эргаш ака ҳақ эканини юз эмас, юз эллик фоиз тасдиқлади.

Мана, ўн йилдирки, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳар ойнинг ўттизинчи кунида барча ҳисоб-китоб ишлари охирига етказилиб, узоғи билан икки-уч кун ичида ойлик маошлар тўла тарқатиб чиқилади. Маош бўлганда ҳам унча-мунча эмас: баъзи оилалар ойига юз минг сўм атрофида даромад қилишади.

... Тўққиз йил аввал хўжаликнинг ёнгинасидан катта газ қувури ўтганига қарамай, бироната хонадонга «зангори олов» уланмаган эди. Бугунги кунда эса қишлоқлар юз фоиз газлаштирилган. Ичимлик суви ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Газ, электр қуввати, телефон пуллари, ер солиғини хўжалик хонадонлар учун олдиндан тўлаб қўяди. Бундан ташқари, хўжалик аъзоларига ҳар йили ўртача 200 тонна буғдой, 100 тонна пахта мойи, 40-50 тонна гуруч, 20 тонна туз, 30 минг дона кир совун тарқатилади.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида деҳқончилик, чорвачилик келтираётган даромад чўғини кўриб, «қойил, бундан зўр бўлиши мумкин эмас», деган хаёлга боришингиз ҳеч гап эмас. Лекин Эргаш аканинг фикри бошқача.

– Биз ҳали ҳам ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ, — дейди у ишонч билан. – Атрофга бир қаранг: олайлик Хитойда бугунги кунда бир миллиард 300 миллиондан зиёд аҳолидан орттириб, четга ғалла ва бошқа саноат маҳсулотлари ҳам сотилмоқда. Бизнинг улардан қаеримиз кам?..

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● *Пойтахт вилоятида қишлоқ хўжалигини ислоҳот қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жорий йилда 103 та жамоа хўжалиги ширкат хўжаликларига айлантирилди.*

● *Вилоят ишлаб чиқаришида қишлоқ тадбиркорларининг ҳам салмоқли ўрни бор. Айни пайтда 3722 нафар мулк эгаси юридик шахс сифатида фермерлик фаолияти билан машғул. Улардан 3105 нафари деҳқончилик, 565 нафари чорвачилик, 50 нафари боғдорчилик ва икки нафари балиқчилик билан шуғулланмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида деҳқон ва фермерларга 720,8 миллион сўмлик микрокредит ажратилди.*

Истиқлол саодати

«МЕН СИЗДАН САБОҚ ОЛДИМ»

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида фермерлик билан шуғулланаётган Лев Николаевич Ким республикамиз мустақиллигининг яқинлашиб келаётган байрами арафасида Россиянинг Новгород вилоятидан табрик хати олди.

«Сиз кўпдан бери Ўзбекистоннинг мустақиллигини орзу қилиб юрар эдингиз, – деб ёзганди ўз мактубида оддий ишчи Владимир Шевченко, – мана орзуларингиз рўёбга чиққанига ҳам тўққиз йил бўлаяпти. Менга кўрсатган ҳамма яхшиликларингиз учун сизга бир олам раҳмат!»

Лев Николаевич Ким – Қашқадарёда ҳийла машҳур одам. У воҳанинг чўл ҳудудида давлат хўжалигининг йирик пахтачилик бўлимига йигирма беш йил раҳбарлик қилди. Бир неча йил муқаддам фермер хўжалигини ташкил этди. Унинг раҳбарлигида бу ерда пахта ва маккажўхоридан вилоят бўйича энг юқори ҳосил етиштира бошланди.

Чорак аср давомида Лев Ким ҳаётда омадини топмаган, тўғри йўлдан адашган, тақдири зил кетган кимсаларни одамийлик йўлига солишни ўзига «касб» қилиб олган. Шу йиллар давомида у Ўзбекистон ва яқин хорижий давлатлар фуқароларини ўз меҳнат мактабида тарбиялаб чиқарди. Барчасини тўғри йўлга солди. Новгородлик Владимир Шевченко ўшалардан бири...

– Мен ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Ислом Каримов қўлидан «Дўстлик» орденини олган эдим, – дейди Лев Николаевич, – шунда мен гўё қайта ёшардим, янги-янги режалар туздим. Бизда тарбия топган одамларнинг мана бундай мактублари эса кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади.

«Туркистон-пресс»

Анжуман

Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Жиззах семинарига 12 вилоят вакиллари ташриф буюришди. Тўртинчи бор ўтказилаётган анжуман иштирокчилари дастлаб янги барпо этилган Ҳамид Олимжон хотира боғини зиёрат қилдилар.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ЯНА ЖИЗЗАХДА

Етмиш нафардан зиёд семинар иштирокчиларини Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов табриклади. Шоир тобора оммалашиб бораётган, республикада янгиянги номларни юзага чиқараётган анжуман ташкилотчиларига Ёзувчилар уюшмаси номидан миннатдорчилик билдирди.

Вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев ёш ижодкорлар семинари қатнашчиларини қутлаб, уларга муваффақиятлар тилади.

Анжуман қатнашчилари уч-тўрт кун мобайнида ўзаро тажриба алмашадилар, вилоятнинг диққатга сазовор жойларида бўлишади. Бахмал ҳамда Ғаллаорол туманлари аҳолиси билан ижодий учрашувлар, мушоиралар ўтказишади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«ҲОКИМ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ. НЕГА?»

Газетанинг шу йил 21 апрел сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги қатор хўжаликларда жамоа бойликлари катта миқдорда талон-торож қилинганлиги очиб ташланганди.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан назоратга олинди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига кўрсатилган камчиликлар юзасидан кўрилган чоралар ҳақида таҳририятни хабардор қилиш вазифаси топширилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М. Арзимбетовдан жавоб мактуби олинди. Унда, жумладан, қуйидагилар таъкидланади: Т. Таумуротов 1992 йилнинг 22 декабридан то 1998 йилнинг феврал ойигача «Чимбой» жамоа хўжалиги бошлиғи лавозимида ишлаган. Тергов жараёнида у ўз хизмат вазифасидан жиноий ишларни амалга оширишда фойдаланганлиги аниқланди. Атрофига шу хўжаликда ишлаётган бир қатор мутахассисларни тўплаб, улар билан жиноий тил бириктирган. Натижада хўжаликнинг 1604 бош қорамоли, катта миқдорда кунжараси, шелуха ва ем-хашаги талон-торож қилинган. Етказилган зарарнинг умумий миқдори 55 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этган.

А. Туримбетов эса 1998 йил феврал ойидан 1999 йил январ ойигача «Чимбой» жамоа хўжалигининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Тергов ҳаракатлари жараёнида у бош зоотехник П. Ережепов, бош ҳисобчи А. Қиличева ҳамда чорва бригадирлари К. Есчанов, Т. Мнажов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, хўжалик қорамолларини ва уларга берилиши керак бўлган ем-хашак, кунжара ҳамда шелухаларни талон-торож қилиб, ҳаммаси бўлиб 16 миллион сўмликдан ортиқ моддий зарар келтирганлиги аниқланган.

Ушбу жиноят иши Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилиб, судланувчи Т. Таумуратов ЎзР ЖК 167-моддаси 4-қисмининг «а» пункти, 209-модда 1-қисми билан айбли, деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, мол-мулкини мусодара этиш, бу жазога Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия ҳақидаги Фармони қўлланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Судланувчилар А. Туримбетов, Т. Мнежов, К. Есчанов, К. Қурбониёзов, А. Носировлар ЎзР. ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» пункти, 209-модда 1-қисми билан айбли, деб топилиб, 9 йил муддатдан озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулклари мусодара этилди, бу жазога Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия ҳақидаги Фармони қўлланиб, 6 йилданга озодликдан маҳрум қилиндилар. Судланувчилардан келтирилган зарарни тегишли тартибда ундириш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Шунингдек, текшириш жараёнида бошқа хўжаликларда, чунончи, «Қизилузак» ширкат хўжалигида ҳам жамоа бойликлари катта миқдорда талон-торож қилинганлиги аниқланган. Ҳозирги пайтда бу далиллар асосида айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Инсон ва қонун» газетасида «Ҳоким лавозимидан четлатилди. Нега?» сарлавҳали мақола кўчириб босилди.

Шунингдек, мазкур тумандаги корхона ва хўжаликларда ўтказилган текширишларда ҳам бир қанча қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Текшириш натижалари юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди.

Реклама ва эълонлар
136-09-25

«ЎЗБЕКФИЛМ»
киностудиясида
кинорежиссёрлар
Зулфиқор Мусоқов ва Баҳодир Олимовлар бошчилигида суратга олинадиган янги «Ойижон» номли бадиий филмидаги бош ролни ижро этиш учун 5-6 ёшли, ўзбек миллатига мансуб иқтидорли қизчалар қидирилмоқда.

Танлов муддати 1 августдан 15 августга қадар давом этади.

Танлов манзили:
Чилонзор кўчаси, 1 уй. «Ўзбекфильм» бекати, авт. 181, тр. 12. шанба, якшанбадан ташқари қабул вақти 10 дан 12 гача.

9х11 хажмидаги фотосурат тақдим этилиши лозим.

Тел. 45-26-50, ички тел. 217.

3153

МАВСУМ - ЁЗ 2000
Paris
OPTICAL
Оптик, қуёшдан ҳимоя қилувчи
КЎЗОЙНАКЛАР.
Дунёнинг энг пешқадам корхоналарида тайёрланган, бегубор, тиниқ, шаффоф, ойнали ва пластик линзалар билан қопланган.
RAY-BAN, VERSACE, FERRE, GUCCI, VALENTINO, Yves Saint Laurent, ROCHAS, CARTIER, S.T. DUPONT, CHRISTIAN DIOR, FENDI, CARRERA, GIORGIO ARMANI.
Тел.: (3712) 34-95-08, 133-83-54
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз, кўчаси, 1 (Мўлжал: «Главпочтамт»).
©РАГреса
Ушбу купонни тақдим этсангиз, қуёшдан ҳимояловчи кўзойнакни 10 фоиз чегирма билан харид қиласиз.
3125

у қандай ниш урганди ва нима учун ҳали-ҳануз барҳам топгани йўқ?

мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборган» деган важлар асосида даъвони рад этади. Бу хатоларга вилоят судининг судлов ҳайъати ва раёсати ҳам эътибор бермайди. Хайриятки, республика бош прокурорининг ўринбосари синчковлик кўрсатади. Уларнинг ноўрин ажриму қарорларига протест киритади. Олий суд протестни қаноатлантиради. Уюшма очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган дамларда иш янгидан кўриш учун яна Жиззахга юборилади. Шундан сўнг икки бор — 1996 йил 30 январда ва 1998 йил 22 майда даъвогарнинг ҳақлиги исботланади. Шаҳар суди уни олдинги вазифасига тиклаш ҳамда мажбуран бекор юрган кунлари учун тегишли миқдордаги иш ҳақини ундириб бериш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқаради. Лекин шу асно муайян чалкашликларга йўл қўяди. Биринчисида раҳбариятнинг 1994 йил 1 июндаги ва 25 августдаги буйруқларини ҳақиқий эмас деб топса-да, директорлик ўрни ундан-да олдинроқ қисқартириб юборилганини назардан қочиради. Иккинчисида «А. Содиқов комбинат мудирлигига қайта тикласин» дейди-ю, у эски лавозимга тенг келишини аниқ шарҳламайди.

Устига-устак, жамият раиси Ҳ. Нишонов дастлабки суд қарорини менсимайди. Турли баҳоналар келтириб, анча вақтгача бажармайди. Жиноий жавобгарликка тортилажаги ҳақида огоҳлантирилгачгина, сергакланади. Анвар Содиқовни амалда йўқ лавозимга қайта тиклайди. Аммо буни унинг ўзига билдирмайди. Қонунқоидага мувофиқ, вазифасини камида икки ой адо этиши учун шарт-шароит яратиб ҳам бермайди. Директор бурчини ўташга киришган чоғда эса, атиги ўн кун бурун имзолаган буйруғига қарама-қарши ўлароқ, хат қоралайди. Унга бошқа ишни таклиф этади. Табиийки, А. Содиқов кўнмайди. Ҳечдан кўра кечни афзал билади. Одатдагидек, комбинатни ажратиб олиш пайида бўлади. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг вилоят бошқармаси раҳбари А. Каримовдан ижобий жавоб олгач, ҳар қачонгидан дадиллашади. Тайинли иш жойи ва мажлис уюштириш имкони йўқлиги туфайли уйма-уй юриб, ходимлари билан суҳбатлашади. Уларнинг розилигини олиб, жамоада мазкур масалага бағишлаб умумий йиғилиш ўтказилгани ҳақида баённома тўлдиради. Махсус ёзув варақасига қўл қўйдиради. А. Каримов ва Ҳ.Нишонов номига талабнома-ариза ёзиб, қўлидаги ҳужжатларни топширади. Эвазига хонасига киритилмайди. Асоссиз ва буйруқсиз тағин ишидан четлаштирилади. Ўн беш кунлар чамаси ўтгач, жамият мутасаддилари иштирокида комбинат аҳлининг умумий йиғилиши чақирилади. Шунда кутилмаган воқеа рўй беради. Аввалбошданоқ яккаш А. Содиқовга ён босиб келаётган ходимлар бу сафар нечундир уни ёқлашмайди. Талабнома-ариза мантиқсиз деган қарорга келишади...

А. Содиқов «Комбинатдаги азалий иш ўрним қисқарган бўлса, ҳозир унга тенглаштирилган ўқув ишлари бўйича мудирлик бор. Қонун бўйича менга шу лавозим берилиши шарт-ку!» деган талабида собит туриб олади. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳам уни қўллаб-қувватлайди. Жамият раисига арзгўйнинг меҳнат ҳуқуқлари топталаётгани тўғрисида расмий хат йўллайди. Ҳ. Нишонов, барибир, ортга чекинмайди. Даъвогар эндиликда шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раислигига сайланганини, ҳиссадорлик жамияти аъзоси эмаслигини, унинг номига сертификат чиқармаганлигини «Уюшма қошида комбинат мудирлиги лавозими бўлмаган. Илгаридан жорий қилинган ўқув ишлари бўйича мудир вазифасида бошқалар ишлаб келган. Бинобарин, суд қарори нотўғри» деган хулосага келади. Шу куниёқ А. Содиқовни мутлақо ўзга — ташкилий ишлаб чиқариш бўлими мудирлигига ишга тиклайди. Дўппи тор келганда, хатосини қоғозда тўғрилагандай бўлади. Амалда эса, қарордан норозилигини билдириб, кассация шикояти ёзади. Давоми тушунарли: иш яна шаҳар ва вилоят судлари орасида бориб келади. Камчиликлари аниқлангач, судья Насриддин Элчибоев қўлига ўтади. У дадил ишга киришади. Комбинатдаги хизмат ўринлари ҳақиқатан ҳам қисқарган-қисқармаганини, даъвогар амалда қай вазифада ишдан бўшатилганини, у тикланган мансаб олдин бўлган-бўлмаганини, директорлик ва мудирлик асли биттами ёки бошқа-бошқа лавозимларми — барчасини ойдинлаштириш мақсадида бирмунча ҳужжатларни тўплайди. Бироқ энг охирида алланечук осон усулни қўллайди. Қайта-қайта чақирса-да, А. Содиқов пеш қилади. Бу ҳам етмагандай, 1996 йил 10 июнда яна бир карра қонунни бузади. Суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган 21 ойу 15 кун олдинги буйруғига ўзбошимчалик-ла янгича талқин киритади. Уни А. Содиқов топшириқни бажармагани, меҳнат интизомига итоат этмагани учун эмас, балки комбинатни тугатиш жараёнида ўзаро меҳнат шартномаси бекор бўлгани боис вазифасидан озод қилинсин, дея ўзгартиради. Буйруқ нусхаси А. Содиқовга 263 кундан кейин берилади.

Фақат шугина эмас. Раҳбарият навбатдаги ҳал қилув қарори ижросини ҳам беармон пайсалга солади. Ҳиссадорларнинг катта йиғинида уни муҳокамага қўяди. Пировардида, судга келмаганини асос қилиб, ўтган йилнинг 30 мартида ишни кўрмай қолдириш ҳақида ажрим чиқаради. Тамом-вассалом!

Журналист суриштируви олиб бораётган маҳалли Н.Элчибоев нега ўзини четга олиб қочгани, учрашувга келишган кунимиз навбатчи эканлигини унутиб, ҳеч кимга, ҳатто суд раисига ҳам айтмай, қаёққа ғойиб бўлганини менга қоронғу. Фақат бир нарса аниқ: тўрачилик, қай тахлит бўлмасин, тараққиёт кушандаси ҳисобланади. Буйруқбозлик ижодкорлик ва изланувчанлик илдизига болта уради. Ташаббусни сўндиради. Узоққа чўзилган адолатсизлик одамзотни ҳолдан тойдиради. Уни ё ҳамма нарсага лоқайд-бепарво, ёки ўта қайсар ва исёнкор қилиб қўяди. Мана, Анвар Содиқовдан қиёс. Воқеа тафсилотларидан, кўпчилик эътирофидан илғагандирсиз, бир замонлар у тажрибали раҳбар бўлган. Соҳаси йўналишини яхши билган. Жамоани бинойидек бошқарган. Келажакни ўйлаган. Янгиликка интилган. Бунинг учун раҳмат ўрнига дакки эшитган. Рағбат ўрнига жабр кўрган.

Ҳолбуки, «Беайб — Парвардигор!» дейдилар. Инсонни эса тушуниш керак! Қалбига қулоқ солиш керак! Эзгулик йўлида шаддодлик қилса, ҳудабехуда четга сурмаслик керак! Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилса, низога аллақачоноқ чек қўйилиши мумкин эди. Асос даркорми, айтаман: жамият раҳбарияти суд ҳукмига ҳавола этган ҳужжатларда битта далилга хўп ўрғу берилган. А. Содиқов директорлигида ҳам, унинг иш ўрни қисқартирилганда ҳам комбинатда ўқув ишлари бўйича мудирлик лавозими бўлгани, унда илгари Л. Арефьева, охирги пайтлар Б.Суярова ишлагани айтилган. Кейинчалик у ўқув ишларини ташкиллаштириш шўъбасига айлантирилгани, бора-бора тугатилгани тушунтирилган. Адашмасам, раҳбарият шу тариқа муддаийнинг даъвоси пуч, тикланишни истаётган мансаби уники эмасди, демоқчи бўлган. Л.Арефьеванинг «1993-94 йилларда комбинат илмий мудири эдим» мазмунидаги тушунтириш хати ҳам, шубҳасиз, мана шу мақсадга йўналтирилган.

Аслида-чи? Қўлимдаги манбаларга таянган ҳолда иккиланмай гувоҳлик беришим жоизки, бу гаплар ёлғон! Масалан, 1994 йилнинг 3 январигача комбинатда мавжуд бўлган хизмат ўринлари жадвалини олайлик. Унда илмий мудирлик зикр қилинмаган. Бу ҳужжатни бегона киши эмас, шахсан Л. Арефьева битган. Адоғига бош ҳисобчи сифатида имзо чеккан. Бундан ташқари, ўзи аъзо ҳисобланмиш тугатиш комиссияси ўша йили 8 июн ва 26 июлда тузган далолатномаларда, уюшма раҳбарига 19 июл ва 20 сентябрда ёзган изоҳномаларида у вазифасини бош бухгалтер деб кўрсатган. Ҳ. Нишонов бир оз олдинроқ чиқарган 14-буйруқда эса «Людмила Арефьева комбинатнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлигидан «Вилоятмаишийхизматуюшмаси» ўқув-курси комбинатининг ўқув ишлари ўринбосари вазифасига ўтказилсин» дейилган.

Алҳол, холисанилло айтинг-чи, кимга ва қайси ҳужжатга ишониш мумкин?

Майли, боринг-ки, Л. Арефьева аввалларироқ ростданам илмий мудирлик қилган бўла қолсин. У ҳолда ўзи тайёрлаган жадвалга нега бу лавозимни тиркамаган? Нима учун ўзини бош ҳисобчи деб ёзган? Ёки ёзнинг бошида ўқув ишлари бўйича муовинликка тайинлангани чин эрса, кейинги саналарда тўлдирилган қоғозларда не сабаб бош бухгалтер ўрнига қўл қўйган? Буни уюшма раиси кўрмаган-билмаганми? Аслини суриштирганда, унинг Л. Арефьевани янги ишга ўтказиш борасидаги буйруғи сохта эмасмикин? Моҳиятан эски хатони хаспўшлаш ниятида кейинчалик чиқарилмаганмикин?

Албатта, кўп йиллар бир соҳа нонини еган, амалдорлик ҳадисини олган одамга бу гапларни айтиш мен учун оғир, жуда оғир! Лекин, ҳар қандай ҳолатдаям, ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши. Уни рўй-рост тан олган киши ҳеч қачон ютқазмайди. Қайтага эларо юзи ёруғ, кўнгли хотиржам бўлади. Шу мулоҳазадан келиб чиқиб, айни ўринда мақолага нуқта қўяман. Сўнгсўзни эса йиллар давомида ишни чувалаштирган қонуншуносларнинг ўзлари айтадилар, деган умиддаман. Қолганига Худо пошшо!

... Мен Жиззахдан ҳорғин ўйлар оғушида қайтдим...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

у қандай ниш урганди ва нима учун ҳали-ҳануз барҳам топгани йўқ?

1991–2000

9

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ:

ИСТИҚБОЛИ САРБАЛАНД ВОҲА



КЕЛАЖАГИМИЗ ТАМАЛ ТОШИ

Мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, юрт келажаги кўп жиҳатдан жамиятнинг ақлий салоҳиятига, яъни интеллектуал қудратига боғлиқ.

Пойтахт вилоятида биргина ўтган йилнинг ўзида энг замонавий воситалар билан жиҳозланган битта академик лицей, 8 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Жорий йилда ҳам вилоятнинг деярли барча туман ва шаҳарларида лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу борада янгийўлликларнинг омади юришган. Чунки вилоятда ягона ҳисобланган академик лицей биринчи бўлиб янгийўлик ўсмирларни ўз бағрига олди.

— Шаҳримиз фахри ҳисобланган ўқув даргоҳида ўрта мактабларнинг 9-синфини битирган йигит-қизлар илм оладилар, — дейди лицей директори, техника фанлари номзоди Хуршида Раҳмонбердиева. — Дастлабки йили лицейимизга вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан 250 нафар ўқувчи қабул қилгандик. Уларга фан номзодлари, олий тоифадаги ўқитувчилар дарс бераётганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Шубҳа йўққи, фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирган талабалар келажакда истиқлолимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи етук кадрлар бўлиб етишадилар.

Янгийўлликлар омади чопганининг яна бир сабаби — шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев халқ таълими соҳасининг жонкуяри, билимдони. Мавжуд болалар боғчалари, мактаблар, технологик, тиббиёт коллежлари унинг доимий диққат-эътиборида.

— Шаҳримизда боғча-мактаб-гимназия типидаги замонавий ўқув мажмуини қуриш ниятидамиз, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бундай таълим-тарбия маскани яхши самара бериши шубҳасиз. Ва келажакда бундай мажмуалар мамлакатимизда кўплаб қурилишига имоним комил.

Янгийўл — вилоятдаги озиқ-овқат саноати ривожланган шаҳарлардан бири. Ёғ-мой акциядорлик жамияти, «Лаззат» бирлашмаси, консерва, вино заводлари учун мутахассис кадрлар асосан шаҳардаги технологик коллежда тайёрланади.

— Корхоналар билан алоқамиз жуда яхши, — дейди коллеж директори Одилжон Ўринбоев. — Талабаларимиз амалий машғулотларни бевосита ана шу жамоаларда ўтказиб, назарий билимларини ишлаб чиқариш жараёнларида синовдан ўтказяптилар.

Айни пайтда коллежда қабул ишлари қизғин бораётир. Йигит-қизларни кўриб, беихтиёр қалбингиз қувончга тўлади. Ҳар бири бундай ўқув масканига шундай ярашиб турибди-ки!..

Сафаримизда бизга ҳамроҳлик қилган Янгийўл шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази масъул котиби, фалсафа фанлари номзоди Солижон Бойматов Янгийўл тумани маркази — Гулбаҳорда ҳам 900 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилаётганини айтди. Биргалашиб Гулбаҳор кўрғонига бордик.

Катта йўл бўйидаги қурилиш майдонида иш қизғин. Бу ерда 10 га яқин қурилиш ташкилоти иш олиб бораяпти. Қуёш айни тиккага келган бўлишига қарамай, бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Раҳбарлардан бирортасини учратиш ниятида қурилиш штабига кирдик. Икки киши аллақандай лойиҳаларни ёйиб олиб, қизғин баҳслашаётган экан. Танишдик. Улардан бири коллеж директори Хидирали Илолов, иккинчиси «Дейл карн» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Авазхон Рашидов экан.

— Қурилишни ниҳоясига етказиш учун жами салкам бир миллиард сўм ўзлаштирилиши керак, — дейди А.Рашидов. — Ҳозирча бу маблағнинг асосий қисми ишлатилди. Домла эса шошираяптилар...

— Шошмай бўладими! — дейди ўз навбатида коллеж директори. — Бор-йўғи бир ой вақт қолди, ахир.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Ростдан ҳам, қутлуғ байрамга саноқли кунлар қолди. Шошмоқ керак. Юзлаб бахтиёр йигит-қизлар Мустақиллик кунини замонавий ўқув биносида кутиб олишса қанчалар яхши!..

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Суратлар муаллифи Даврон АҲМАД.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Вилоятда 1 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежи ишлаб турибди. Мустақиллик байрами кунида эса яна иккита академик лицей ва 9 та коллеж юлаб ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

● Жорий йилда вилоятда 12 та қишлоқ врачлик амбулаторияси қурилиб, ишга туширилади. 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастурига кўра эса ана шундай замонавий даволаш муассасалари яна 48 тага кўпаяди.

Алло, Сидней!

Руслан ЧАГАЕВ:

ОЛИМПИАДАДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

Руслан билан телефон орқали боғланиб, соат 15 да бокс зали ёнида учрашадиган бўлдик. Машғулотлар эса соат 16 да бошланади. Суҳбат учун бир соат вақт бор. Нью-Йоркдаги олимпиадага тайёргарлик йиғинларида Русланнинг бармоғи жароҳатланганлигини билардим.

– Врачлар нима дейишяпти? – унинг анча шишиб кетган бармоғига ишора қилдим.

– Яна бир-икки ҳафтада тузалиб кетади, деб ишонтиришяпти – сўз қотди у вазминлик билан.

– Ўзи нима бўлганди?

– Америкалик спортчи билан машқ қилаётган эдик, қизишиб кетибман...

Русландан Нью-Йоркда деярли бутун июн ойи давомида бўлиб ўтган олимпиадага тайёргарлик ҳақида гапириб беришни сўрадим.

– Сиднейда бўладиган жаҳон олимпиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган 11 нафар боксчи терма жамоамиз мураббийси Михаил Романчук, андижонлик устозлар Қўчқоров, Размахов раҳбарлигида астойдил машқ қилдилар. Уларнинг орасида андижонлик 5 боксчи – Маҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Сергей Михайлов, Тўлқин Турғунов ва мен бор эдик. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун 2 соатдан машқ қилдик.

– Нега йиғин айнан Нью-Йоркда бўлди?

– Аввало Нью-Йорк бокс жуда ривожланган шаҳар. Яна бир муҳим томони, бу шаҳарнинг иқлими Сиднейникига яқин. Нью-йорклик боксчилар билан ўқув машқлари ўтказиш имкониятлари мавжуд. Биласизми, бизни америкалик ўзбеклар жуда илиқ қарши олишди. Нью-Йоркдаги «Фарғона», «Зарафшон» ресторанларида ўзбек таомларидан еб, маза қилдик.

– Аввалдан башорат қилиш қийин-ку, аммо боксчилардан бирортаси Олимпиада чемпиони бўла олармикин?

– Бунинг учун ҳаммамизда имконият бор. Тиришқоқ ва чапдаст Маҳаммадқодир ҳам, техник жиҳатдан моҳир Ўткир ҳам, ҳужумкор Тўлқин ҳам, новча ва ўзига хос услубда жанг қилувчи Сергей ҳам ана шу энг юксак номга сазовор бўлишлари мумкин.

Русланга бир йил аввал жаҳон олимпиадасида ғолиб чиқмагунимча уйланмайман деган сўзини эслатдим ва ярим ҳазил билан:

– Агар олимпиада чемпиони бўла олмасангизчи? – дедим.

– Мен олимпиада чемпиони бўламан, – чўрт кесди Руслан жиддий оҳангда.

– Хьюстонда бўлган жаҳон чемпионатида ютқазиб қўйган эдингиз...

– Ўшанда мен 17 ёшда эдим. Тажрибасизлик панд берди.

Қайси боксчиларни ўзининг энг асосий рақиблари деб билиши ҳақида сўрадим, у олимпиадада кучсиз рақиблар бўлмаслигини таъкидлади. Олимпиада ва жаҳон чемпиони кубалик Фелкс Савон ҳақида эслатдим. Савон билан Чагаев уч бор беллашган. Дастлаб икки бор Руслан, охирги жангда Савон ғалаба қозонган.

– Венгриядаги жаҳон чемпионатида Фелкс Савон мени назарга илмади ва «эзиб ташламоқчи» бўлди. Мен бундан яхши фойдаландим. Новча, оёқ-қўли узун бу боксчининг ҳужумда ўйнаши менга қўл келди. Пловдив (Болгария)даги халқаро турнирда мағлубият аламини олиш учун у яна ҳужумга берилиб кетди. Мен яна ғолиб чиқдим. Хьюстонда ўтказилган жаҳон чемпионатида у билан ярим финалда тўқнашдик. Бу гал у жанг услубини кескин ўзгартирди. Масофадан туриб, ҳужумга ташланмай жанг олиб борди. Мен бунга тайёр эмасдим. Энди хатоларимни биламан ва такрорламайман. Фелкс билан жаҳон олимпиадасининг қайси босқичида учрашсам, унинг устидан ғолиб чиқа оламан.

– Олимпиададан ғолиб бўлиб қайтсангиз, шоншуҳратдан эсанкираб қолмайсизми?

– Жаҳон чемпиони бўлган пайтимда бу босқични ўтаб бўлганман. Ҳақиқий инсон бўлиш жаҳон чемпиони бўлишдан қийинроқ. Йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини кўтаришларига мажбур қилган спортчи чинакам инсон, юртнинг ҳақиқий фуқароси бўлиши керак деб ўйлайман.

Руслан билан суҳбатлашганимга ҳам анча бўлиб қолганди. Шу давр мобайнида Чагаевлар оиласида анча ўзгаришлар бўлибди. Опаси Луиза андижонлик врач Дмитрий Язиковга турмушга чиқиб, ўғил кўришга ҳам улгуришибди. Чақалоққа Темур деб исм қўйишибди. Демак, Руслан тоға, онаси Замира опа эса буви бўлибди. Суҳбат сўнггида у шундай деди:

Сиднейда бўладиган олимпиадада иштирок этадиган республикамизнинг барча вакилларига соғлиқ, омад ва ғалаба тилайман.

Менинг фикримча, Руслан Чагаев юртимизнинг ҳар бир фуқароси дилидаги тилакни айтди. Боксчилар машқни бошладилар. Руслан ҳам уларнинг ёнидан жой олди.

Тўлқин СИДДИҚ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ОНА ЮРТ ЖИЛОЛАРИ

Куни кеча Республика байналмилал маданият марказида таниқли рассом Собир Раҳметовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассомнинг сўнгги йилларда портрет,-манзара, тарихий мавзуларда ишлаган асарлари ўрин олган.

Кўргазмани кўздан кечирар экансиз, рассом истеъдоди ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу хусусият кўпроқ "Ўзбекистон халқ ҳофизи, академик Юнус Ражабий", "Умида", "Ўзбекистон халқ артисти Қўрқмас Муҳиддинов" портретларида кўринади. Тарихий полотноларда муаллиф давр тимсолларини вақт кўламида уйғунлаштирган ҳолда кўради, уларнинг Абадият ва Ҳақиқат олдидаги ўлчовларини қиёслашга интилади, бундай изланишлар "Синов йиллари" учлигида, "Асрлар гувоҳи" ишларида ўз самарасини берган.

Муаллиф ижодидаги асосий йўналиш, албатта замондошимиз қиёфаси, мустақил республика

Кўргазма

ҳаётидаги ўзгаришлар, муҳаббат, тинчлик мавзуларидир. Рассомга шуҳрат келтирган "Қирмизи интерьер", "Майрам", "Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом", "Ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов", каби асарлари ҳам ушбу кўргазмани безаб турибди.

Рассом табиат, муҳаббат ва тарихий мавзуларни яхлит ҳолда ҳис қилади, уларнинг туб, теран моҳиятига кириш учун турли хил изланишлар жараёнини бошдан кечиради. Бу хусусан "Ҳаёт ва ўлим", "Оқшом", "Сўнгги жило", "Хумсон" асарларида кўзга ташланади.

Ижодкор асарлари хорижий мамлакатларда, жумладан Буюк Британияда (Лондон, "Замана" галереяси), Туркияда (Анқара, Воқиф-Банк галереяси), АҚШда (Аркадельфия, Арканзас штати), Германияда (Берлин, Бадиий академияси намойиш этилган. Айни пайтда бир қанча асарлари Туркия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Германия, Югославиядаги коллекционерларнинг шахсий тўпламлари сақланмоқда.

Гавҳар НОРМАТОВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.00
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

«Янги авлод» қисқа муддатли омонатини таклиф этади

Йилига 36% даромад келтирадиган омонатга маблағлар шу йил 20 декабргача қабул қилинади **(даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).**
Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар қўйилмангизга қўшилиб боради ва капиталлаштирилади.

Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади. Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.

Шунингдек, муддатли омонатларнинг қуйидаги турлари таклиф этилади:

«Сўм карточкаси» омонати (пластик карточка қўлланилади)	**йилига 36%ни,** талаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилганида эса **йилига 42,6%** ни ташкил этади
«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан давом эттириладиган омонат, 3 ой муддатли)	**йилига 36%,** ҳар ойда капиталлаштирилганида эса **йилига 42,6%**
«Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли)	**йилига 25%**
«Тўёна» (2 йил муддатли)	**йилига 30%**
«Сарпо» (3 йил муддатли)	**йилига 31%**
«Келажак» (камида 5 йил муддатли)	**йилига 24%** (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича)
«Муддатли» (5 йил муддатли)	**йилига 40%**

2000 йил 1 августдан бошлаб муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича йилига асосий фоизларга қўшимча равишда 4,3% даромад ҳисоблаб ёзилади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

NBU

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, комиссия аъзоси Сайёра Хўжаевага падари бузруквори
Отахон ЖУМАНИЁЗОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Собир Абдусатторовга акаси
Баҳодир АБДУСАТТОРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бирлашмаси жамоаси бошлиқ ўринбосари Карим Усмоновга опаси
Олима ИНАГАМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси Пахта-банкнинг Ҳисоб ва ҳисоб-китоб бошқармаси бошлиги Б. Якубовга опаси
Назира ЯКУБОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий заҳиралари бош бошқармаси бошлиғи Олимжон Омонбоевга падари бузруквори
Эмлис ОМОНБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Тошкент алоқа коллежи директори С. Акбаровга укаси
Дилшод АКБАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги «Узматбаа-таъминот» республика корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий заҳиралари бош бошқармаси бошлиғи Олимжон Омонбоевга падари бузруквори
Эмлис ОМОНБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.